# ЛАФЗСИЗЛИК БАЛОСИ

*ёки мулкий низони ҳал қилишнинг пўписа усули ҳақида*

*Журналист суриштируви*

- Ҳуқуқий нашрлар орасида «Инсон ва қонун» газетасининг турмушимиздаги айрим соҳаларда бўлаётган ноқонуний хатти-ҳаракатларни очиқ-ошкора фош этиш борасида қилаётган дадил чиқишлари бизни қувонтирмоқда, - дейди Чироқчи туманидаги Чамбил қишлоғида яшовчи нафақахўр Қудрат бобо Рўзиқулов. - Айниқса, газетанинг 1999 йил 2 ноябр сонида эълон қилинган «Талон қилинган мулк» мақоласида баён қилинган фикр ва мулоҳазалар, «миллионларини ноқонуний олдириб қўйиб оромини йўқотган Ором Лапасов»нинг дарду изтиробларини ўқиб, мана ёзса бўлар экан-ку, ҳеч бўлмаса шу газета адолатнинг юзага чиқишига ҳисса қўшибди, дея хурсанд бўлдим. Ором бобо оромини топдими-йўқми, билмадим, менинг ҳам бошимдан шунга ўхшаш воқеа ўтиб, ўтган йили 3 июлдан буён менинг ва ўғилларим қўлида бўлган кичик ёғ заводини ички ишлар ходимлари аралашуви билан олдириб қўйиб, бормаган идорам қолмади. Илтимос, мен қариянинг ҳам дардини тинглаб, маъқул бўлса газетада эълон қилсангизлар.

Газетада эълон қилиш қочмас, аввал ўрганиш лозим, дея воқеа тафсилотларини ўзимизча синчиклаб ўрганишга тушдик. Қудрат бобо Рўзиқулов таҳририят номига йўллаган аризасида ёши 70 да эканлигини, иккинчи гуруҳ меҳнат ногирони бўлиб, оиласида 10 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказганлигини ёзади. Шунингдек, у 1997 йили ўғли Азамат Рўзиқулов номига «Туронзамин» фермер хўжалиги ташкил этгани ва яхши ниятлар билан масхар уруғини қайта ишлаб, ёғ чиқарадиган кичик цех олиб келиб, унинг бир қисмини ўрнатиб иш бошлаганлигини, кейинчалик ёғ ишлаб чиқариш цехини алоҳида корхона қилиш мақсадида бошқа ўғли Исоқжон Қудратий «Чамбил» корхонасини тузишга киришганини баён қилади. Ўша пайтда Латиф Жўраев мулкий низо бартараф этилгунча ёғ заводи Китоб туманида яшовчи Алишер Каримов деган шахсда сақланади, дея «тилхат» олиб беради. Қудрат бобо Алишер Каримов томонидан берилган «Ўртадаги муаммо ҳал бўлмагунча кичик ёғ заводи Китоб тумани «строй рембыт» биносида сақланади», деган мазмундаги «тилхат»ни қучоқлаб қолаверади. Чунки Тошкентдан шартнома тузиб, ёғ заводини олиб келтирган ўғли Исоқжон Қудратий ҳам уйда йўқ эди. Хуллас, ваколатли идора вакилларининг аралашуви билан муаммо ҳал этилмаса-да, ёғ заводини Тошкентга олиб кетадилар. Қудрат бобо эса ёғ заводи учун тўлаган накд 240 минг сўмдан кўпроқ пули-ю, ёғ заводидан ажралиб, арз-додини минг бир жойга айтиб қолаверади.

Аслида бу воқеанинг кечмиши қандай? Масалага ойдинлик киритиш мақсадида тошкентлик вакилни қидириб, унинг ишхонасига бордик. У Тошкент шаҳар, Бобур кўчаси, 210-уйда жойлашган «Истиқбол технологияси» корхонасининг директори Зебо Қодирова экан. Шунингдек, опа техника фанлари номзоди илмий унвонига ҳам эга экан. Зебо опа ҳам яхши ниятда кичик ёғ заводлари олиб келиб, уларни тегишли жойларга олиб бориб ўрнатиб берадиган кичик корхона тузган. Бу корхонанинг довруғини эшитган Қудрат бобонинг ўғли Исоқжон Қудратий унинг ҳузурига келиб, кичик ёғ заводи олиб, масхар ёғи ишлайдиган ёғ цехи қурмоқчи бўлганини айтади. Иккала томон ўртада шартнома тузиб имзолайдилар. Шартнома бўйича кичик ёғ заводи ускуналари ва технологиялари нархи 1100000 (бир миллион бир юз минг сўм) қилиб белгиланади. Буюртмачи шартномани имзолагандан сўнг 15 кун муддат ичида 300 минг сўмни пул ўтказиш йўли билан тўлаш мажбуриятини олади. Шартномага асосан «Чамбил» корхонасининг раиси Исоқжон Қудратийнинг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 9 квартал, 20-уй, 47-хонадонини 525 минг сўмга нархлаб, бажарувчи ихтиёрига беради.

Шундай қилиб, Зебо Қодирова Исоқжон Қудратийдан 240 минг сўм накд пул ва бир хонали уйни олиб, унга қизини жойлаштириб, кичик ёғ заводини Чамбил қишлоғига Азамат Рўзиқулов номидаги «Туронзамин» фермер хўжалиги ихтиёрига топширади. Қудрат бобонинг аризасига кўра ёғ заводи учун бир миллион сўмга яқин харажат қилинганига қарамай, ёғ цехининг ярми келиб ўрнатилганлиги ва ишга туширилмаганлиги ва тозалаш системалари ишламаганлиги учун Тошкентга Зебо Қодирова ҳузурига бир неча бор бориб «Заводингни тўлиқ ишга тушириб бер ёки берган пулларни тўлаб, заводингни қайтариб олиб кет», дегандан кейин Зебо опа уйни бир йилдан кейин қайтариб берганини, лекин пулини қайтармай, заводни олиб кетганини баён қилади. Энди Зебо Қодированинг таҳририят номига ёзган «тушунтириш хати»га эътибор беринг: «Биз 1997 йил 1 июлда Чироқчи тумани «Чамбил» кичик корхонаси директори Исоқжон Қудратий билан ўзаро ишлаш шартномаси тузган эдик. Бу томондан ёғ заводи қўйилиб, улар 1997 йил охиригача 1100000 сўм тўлашлари керак эди. Мен бир неча бор бориб заводни ўрнатиб ишга тушириб бердим. Лекин Исоқ Қудратий пулни тўламай, мени 3 йил сарсон қилди. Шунинг учун 1999 йил июл ойида бориб, заводни олиб келмоқчи бўлганимда қаршиликка дуч келдим. Ички ишлар ходимларига (Чироқчи туман ИИБ ходимларига демоқчи) илтимос хат ёзган эдим. (Аслида бундай ариза ёзилмаган, оғзаки илтимос қилинган) Холис жойга қўйиб туришни вақтинча келишиб олган эдик. Шу ниятда 2 ой пойладим. Августнинг охирига бориб заводни олиб келдим, таъмирлаб ишлатиш учун. Менга берган 240 минг сўмдан 3 баробар кўп пул кетган: заводни ишга тушириш, йўл, иш ҳақи ва амортизация учун. 1 та рафинатор уларда қолган, нархи 200 минг сўм атрофида».

Демак, Зебо опанинг даъвосига кўра улар, яъни Исоқжон Қудратий опадан анча қарздор ҳам. Опага шундай савол беришга мажбур бўлдим: «Зебо опа, ўзингиз ўқимишли, йўл-йўриқни тушунган аёл экансиз, наҳотки мулкий низони ҳал этишнинг бирдан-бир йўли хўжалик судига мурожаат қилиш эканлиги хаёлингизга келмади?»

Бирдан опанинг кўзлари ёшланди ва тўғрисини тан олди. Жавобдан эса очиғи қониқмадим. Майли бугунми, эртами ҳақ жойига қарор топар, ё Зебо опа ёки Қудрат бобо тўғри йўл танлаб ораларидаги мулкий низони одил суд орқали ҳал этар, бироқ мулкий низога қонунсиз аралашган Латиф Жўраевнинг хатти-ҳаракатига нима дейиш мумкин?

Қудрат бобонинг вилоят, республика прокуратураларига ёзган такрорий шикоятларидан кейин Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси хизмат текшируви ўтказиб, мулкий низога аралашгани учун Латиф Жўраевга «ҳайфсан» берган. Ариза бўйича Латиф Жўраевга учрашганимизда у Зебо Қодировани танимаслигини, бироқ Алишер Каримов деган таниши келиб илтимос қилганлигини, кейин Зебо Қодирова ҳам оғзаки илтимос қилгани учун 3 нафар милиция ходимини томонлар ўртасида ўзаро жанжал чиқмаслигининг олдини олиш мақсадида жўнатганлигини тан олди. Лекин опа келишувга ва тилхатга амал қилмай, заводни олиб кетиб қолганлигини айтди. Шунингдек, Латиф ака ҳали бироз шошмай туришимизни, Алишер Каримовга телефон қилиб опадан заводни қайтариб олиб келиб Қудрат бобога бермоқчи бўлаётганини ҳам эслатди. Бундай ваъдани Латиф Жўраев Қудрат бобога ҳам берган экан.

Яна бир гап: ўртадаги учинчи одам - Алишер Каримов ким? Нега у опа билан Тошкентдан Чамбилга заводни олиб кетгани келади ва қизиғи ўртада опа номидан заводни ҳеч қаёққа олиб кетмаслик ва холис жойда сақлаш учун «тилхат» беради? Тошкентда у билан ҳам учрашишга тўғри келди. У яшаш манзили, иш жойини кўрсатмай, таҳририят номига шундай тушунтириш хати ёзиб берди: «Мен Зебо опа билан одамгарчилик юзасидан бирга борганман. Қудрат бобо билан олди-бердиларидан хабарим йўқ эди. Буларнинг ўртасидаги муаммо ҳал бўлгунча бир ой ёғ заводи менда бўлади» дея «тилхат» берган эдим. 2 ой вақт мобайнида ҳеч қанақа хабар бўлмагач, опа ёғ заводини Тошкентга олиб кетибдилар. У Қудрат бобо Латиф Жўраевни қистовга олаётган экан, бир иложини қилиб, заводни опадан олиб Қудрат бобога қайтарамиз, дея қўшиб қўйди. Ўзлари билан Тошкентдан олиб келган яна 2 нафар шахс тўғрисида ҳеч нарса демади. Энди Қудрат бобонинг аризасини қайта-қайта текширган Чироқчи туман прокуратурасининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси Қалқон Аҳмедовнинг хулосасига эътибор беринг: Латиф Жўраевнинг хатти-ҳаракати эса муқаддам текширилиб, унинг қисми вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи томонидан интизомий ҳайфсан жазоси берилганлиги билан чегараланади. Унинг ҳаракатида жиноий жавобгарлик аломатлари йўқ эканлиги аниқланди. Зебо Қодирова ҳаракатида ҳеч қандай ўзбошимчалик ҳолати топилмади. Лекин иккала томон ҳам бири-биридан ҳақини талаб қилиб судга мурожаат қилмаяпти. Фикримизча, шартномани ижро этувчи томоннинг маълум маънода айби бўлиб, лафзсизлик аломатлари мавжуд. Одамнинг лабзи ҳалол дейдилар. Зиммасига мажбурият олиб, қоғозга имзо чекаётган киши уни вақтида бажаришни ҳам ўйлаши керак. Жумладан, учинчи одам бўлиб ўртага тушганлар ҳам. Ўртада адолат тарозуси - қонунларимиз турганда ҳеч кимнинг ўз хоҳиш иродаси билан иш тутишга ҳаққи йўқ.

**Ғози РАҲМОН,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

***ТАҲРИРИЯТДАН:*** ***Мазкур мақолани чоп этишдан мақсадимиз, кимнидир оқлаш ёки қоралаш эмас, балки воқеани бор бўйича очиқ, ошкора кўрсатишдир. Кўриниб турибдики, тарафлар ўртасида низо бор. Лекин энг ачинарли томони, гарчи бир қатор ҳуқуқ-тартибот идоралари бу муаммо билан бир қадар шуғулланган бўлсалар-да, ҳануз унинг ечимидан дарак йўқ. Биз мутасадди идоралардан бу борада тегишли жавобни кутиб қоламиз.***

*Балои нафс*

# БОЛАЛАР ҲАҚИДАН ҲОТАМТОЙЛИК

(кичик фельетон)

Сурхондарёнинг Сариосиё туманида 66-сонли махсус санаторий-интернат мактаби бор. Бу даргоҳда асосан умуртқа поғонаси касалланган болалар таълим олиш билан бирга шифокорлар ёрдамида даволанадилар ҳам. Бошқача айтганда, бу жой хайрли ва ёш авлоднинг камол топишидаги ўзига хос тарбия масканидир. Достон Жаффаров деган шахс кўп йиллардан буён ана шу даргоҳда бош ҳисобчи вазифасида ишлайди. Ҳисоб-китобни жуда ўрнига қўядиган, бармоқлари ҳам чўт ташлашда анчагина чаққон... Аммо...

Элимизда бир нақл бор: «Йўғонини йўниб е, ингичкани чўзиб е», дейдилар. Достон ака деганимиз ҳам ана шу нақлга устамонлик билан амал қилди, ўз номига ва бирга ишлайдиган ҳамкасбларидан айримларига маош ёзишга киришди. Келинг, яхшиси хашакдан ҳашам битмай, ёлғондан қасам ичмайлик-да, ҳотамтой ҳисобчи акамизнинг болалар ҳақига қандай хиёнат қилган фаолиятидан бир чимдим далиллар келтирайлик. Қолганини... топишиб олишар.

Мактаб интернатда 3 та «ГАЗ», «ЗИЛ» русумли юк машиналари гаражда қантарилиб қўйилган.

- Нега юк машиналари носоз? - сўраймиз ҳисобчидан.

- Эҳтиёт қисмлар йўқ. Маблағ етишмайди, - жавоб қилади у.

Афсуски, ноқонуний ойлик маошлар, ажратилган бензин ёқилғиси олиниб, талон-тарож қилишган маблағ топилади-ю, бу ёғига қолганда... Йўқолганига қайғурма, топилганига қувон эканда!

Интернат-мактабнинг собиқ директори Абдужаббор Гаффоров ҳеч бир асоссиз 1999 йил 1 сентябридан 5 та параграфли буйруққа имзо чекади. Ана шу буйруғида «Мактаб бош ҳисобчиси Достон Жаффаров, хўжалик мудири Тошпўлат Ашуров, директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Неъмат Камоловларга 1999 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳайдовчи сифатида ойлик маоши берилсин», деган ноқонуний ҳолатни расмийлаштиради.

Бош ҳисобчи бу буйруқнинг ноқонуний эканлигини била туриб, ўтган йилнинг 366-тўлов ҳужжати билан ўзига ва озиқ овқат мудири Тошпўлат Ашуровга, директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Неъмат Камоловга ҳар ойга 5 минг сўмдан иш ҳақи ёзиб, 56 минг 518 сўм пулни шарақлатиб санаб олишади.

Шу йилнинг январ ойи билан ҳисоблаганда эса ҳар бир масъул ходим, бош ҳисобчи ёрдамида 25 мингдан жами 75 минг сўмлик болалар ҳақини «туя» қилишади.

- Ўтган йили бензин ёқилғиси олинганми? - сўраймиз бош ҳисобчидан.

- Ҳа, 1998 йил 1 декабрда 9-сонли фактура билан Сариосиё нефт маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасидан 27 минг сўмлик А-72 русумли бензин ёқилғиси олинган, - жавоб қилади у.

- Бензин қаерга ишлатилган?

- Уччаламизнинг «ВАЗ-2106» жигулимизга сарфланган, - бамайлихотир жавоб қилади у.

- Нега?

- Ҳа, машиналар юрмайди. Биз ўз машинамиз билан озиқ-овқат ташиймиз. Кассирни банкка олиб бориш керак, - важлар излайди ҳисобчи.

Аммо у шу ерда ҳисобдан адашди. Билмай эмас, билиб адашди. Нега дейсизми? Келинг, далилларга мурожаат қилайлик.

Сариосиё нефт маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасидан бизга берилган маълумотларга асосан мактаб-интернат 1999 йил 8 февралида 150 литр, 21 июлида 300 литр, 9 декабрда 457 литр, жами йил давомида 908 литр ёки бир тоннача бензин ёқилғиси олган. Бу эса ҳисобчи акамиз юқорида таъкидлаган 27 минг эмас, қарийб 60 минг сўмни ташкил этади. Ёқилғи эса жавобгар шахсларнинг «Жигули»сига қонунсиз сарф этилиб, боз устига ойлик маошлари ҳам тўланганлигини қандай баҳоламоқ керак? Улар яна ўз вазифалари учун алоҳида ойлик маоши олишади?!

Мактаб-интернатда 460 нафар болалар тарбияланади. Уларнинг ҳар бирининг кунлик овқатланиши 290 сўм атрофида белгиланган (ўтган йил ҳисобида). Ўтган бир йилда халқ таълими бўлимига берилган ҳисоботда озиқ-овқат маҳсулотлари учун кетган харажатлар 21 миллион 667 минг 600 сўм миқдорида кўрсатилган.

- Молияга берилган ҳисоботни кўрсатсангиз? - сўраймиз ҳисобчидан. У киши бирданига қизариб кетадилар ва:

- Сиз чуқурлашиб кетаяпсиз. Мен вакил чақиришим керак. Яна бизга айтишганки, вилоят прокуратураси, СНБ, ҳокимдан махсус рухсат олмай, текширишга ҳаққингиз йўқ, - дея дело-дафтарни ёпиб қўяди.

Биз у кишига матбуот вакили текшир-текшир қилмаяпти, фақат баъзи ахборот ва маълумотлар олмоқчи, бунга ҳақли, дея қонунни тушунтирган бўламиз. Ҳисобчи қизариб-бўзарганича бу ҳақ-ҳуқуқларимизни тан олмайди. Бунинг тагида эса бош ҳисобчи Достон Жаффаровнинг қарийб 140 минг сўмлик давлат маблағини талон-тарож қилиш факти ётарди-да. Агар ўтган йили озиқ-овқат харажатларини 12 ойга бўлсангиз, ҳар ойига ўртача 1 миллион 805 минг сўмдан чиқим тўғри келади. Зеро, бу рақамни ҳам 460 нафар тарбияланувчиларга бўлсак, ҳар бирига 392 сўмдан тўғри келади. Демак, ҳар бир тарбияланувчига белгиланган 290 ўрнига 392 сўмдан кунлик харажат чиққан. Лекин интернатдаги бир қозонда пишириладиган таомларга ўша харажатнинг ярми ҳам кирмайди. Ҳар кунги овқатланиш таомномасидаги озиқ-овқатлар вазни болалар уни еб бўлгандан сўнг тўлдирилади. Ўғирликни яширишнинг янги усулларини ҳам пухта ўзлаштириб олишган. Шу сабаб ҳам интернатда аризабозлик, шикоят ёзиш, текшир-текширлар йил давомида давом этиб келмоқда.

Биз бош ҳисобчи Достон Жаффаровнинг фаолиятидан айрим далиллар келтирдик холос. У ёғини Сурхондарё вилоят халқ таълими, қолаверса, вилоят ҳокимиятидаги масъул раҳбарлар, лозим бўлса ҳуқуқ-тартибот идоралари ўрганиб чиқиб, хулоса ясар деган умидимиз ҳам йўқ эмас.

**Собир ЁДИҚОВ,**
**Сурхондарё вилояти, журналист**

# КЎРШАПАЛАКНИНГ «ПАРВОЗИ»

*Фельетон ўрнида*

Шарқда аёллар азал-азалдан муқаддас деб биланган, эъзозланган. Шу боис бирор қаламкаш йўқки, аёл шаънига шеърлару ғазаллар битмаган бўлса...

Афсуски, ҳар тўкисда бир айб деганларидек, орамизда пулга, бойликка ружу қўйиб, аёллик, оналик шаънини булғаётган опа-сингилларимиз ҳам учраб туриши ачинарли. Бу гап кўпроқ фирибгарлик, товламачилик каби иллатларни ўзига «касб» қилиб олганларга таалуқлидир.

Ривоят қилишларича, аёл киши гуноҳ ишга қўл урса уни ёввойи мушук билан бир қопга солиб, узоқроққа элтиб, савалаб жазолаган эканлар. Тарбиянинг таъсирчанлик моҳиятини англаш учун балки бўрттириб айтилган мазкур ривоят замирида чуқур маъно ётмаганмикин? Гўзаллик, ҳаё, иффат, назокат тимсоли, рамзи бўлган аёлнинг ҳаром-харишга қўл уриши болалари тарбиясига демакки, жамият равнақига путур етказади-ку. Шунинг учун уларнинг бундай хатти-ҳаракатларини қонун нуқтаи назаридан баҳолаш муҳимдир. Зеро, қонунни ҳурмат қилиш, унга итоат этиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Ўзини гоҳ тележурналист, радиомухбир, гоҳ вилоят соғлом авлод учун жамғармаси матбуот маркази бошлиғи деб таништириб, фуқароларни турли найранглар билан алдаб, товламачилик қилиб юрган Ҳамида Хайруллаева ана шундайлар тоифасига мансуб Фирибгарликни ўзига касб қилиб олган, қандай йўл билан бўлса-да, бойлик орттириш домига тушган Ҳамидага «клиентлар» ҳам дарров топила бошлади. Жумладан, Ғиждувон шаҳар, Мансур Сайфуллаев кўчаси, 63-уйда истиқомат қилувчи, қарамоғида 2 нафар I-II гуруҳ ногирон фарзанди бўлган фуқаро Рашида Эргашеванинг кўнглига йўл топган қаҳрамонимиз «Сизга «Дамас» машинаси олиб бераман», деб 150.000 сўм пул, 50 кг. гуруч, чой, майиз, ёнғоқ, бодом, гўшт, жами 12460 минг сўмлик маҳсулотларни жиғилдонига урди. Бу ҳам етмаганидек, республика нуфузли раҳбари номига хонадон бошлиғи Сафар Нормуродов номидан туман ҳокимлигидан арз этиб, ўзи сохта имзо чекиб, шикоят хат ёзди. Ушбу хонадон эгаларидан олган пулларни «ҳалоллаб» еийш мақсадида 20 ноябр 1998 йил, 409-сонли ИДАТ «Асака» банки Бухоро филиали бошлиғи М.Ф.Бақоев номидан ўзи имзо чекиб хат жўнатди. Бу ҳам етмаганидек, Х.Хайруллаева ўз жиноий ишларини давом эттириб, Қоровулбозор тумани Марказий касалхонаси бош ҳакими Тавбоевга, адвокат Пернобекова, Ботиров сингари одамлар номидан телеграммалар жўнатди. Когон шаҳри, Геофизика шаҳарчаси, Тинчлик кўчаси, 7-уйда яшовчи Маҳмуд Хожиевдан ҳам «Тико» машинаси олиб бераман» деб 800.000 сўм пулни санаб олди. Бухоро шаҳар, 17. С.Раҳимов маҳалласи Артема кўчаси, 29-уйда яшовчи 14 нафар (шундан 2 нафарининг ногирон болалари бўлган) шахсдан, жумладан фуқаро М.Солиевадан ҳеч қандай ваколати йўқлигига қарамай, «Сизга уй олиб бераман», деб 21500 сўм пул ва 2,5 метр помбархат материал ундирди. Нафси ўпқонга айланган бу фирибгар шу билан қаноатланиб қолмай, Пешку тумани, Ўзбекистон кўчаси, 2-уйда яшовчи фуқаро Хўжақул Рамазоновга дастлаб «Соғлом авлод учун» жамғармасидан 30 минг сўм пул ва 1 та гилам мукофотини, сўнг эса «Дамас» машинаси олиб беришни ваъда қилиб, 108 минг сўм пул, шунингдек, арoқ, коньяк, гўшт, балиқ, битта қўй, магнитафон, жами яна умумий қиймати 100.000 сўмлик озиқ-овқат ва турли хил буюмлар олди.

Фуқаро Х.Рамазонов алданганини билиб, пулларини талаб қилганида, Х.Хайруллаева «Сени «Муштум»га ёзаман, ўзингни йўқ қилиб юбораман, болаларингни ўғирлатаман», деб дўқ-пўписа қилди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, дейди халқимиз. Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари ниҳоят фирибгар Х.Хайруллаева «ижоди»га нуқта қўйдилар. Тажрибали терговчилар М.Мустафоев ва Ё.Очилов олиб борган малакали тергов жараёнида фирибгарлик барча жиноятлари фош бўлди. Тергов жараёнида бу аёлнинг яна бир қинғир иши очилди. Маълум бўлишича, у олий ва ўрта махсус билим юртларининг сохта дипломларини ҳам сотар экан.

Жиноят кўчасига кирган Х.Хайруллаева юқоридаги сингари қилмишлари билан бир қанча фуқароларга моддий ва маънавий зарар етказди. Яна бир муҳим масала: мустақил мамлакатимизда журналистлар обрўси кун сайин ошиб, улар «Тўртинчи ҳокимия» мавқеида қадр, эъзоз топаётган бир пайтда бундай «ижодкор»ларнинг «хурмача» қилиқлари шу соҳа заҳматкашларининг нафсониятига тегиши табиий, албатта. Чунки бирники мингга, мингники туманга, дейди халқимиз.

Узоқ йиллардан буён товламачилик, фирибгарлик «касби» билан кўплаб фуқароларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказган фирибгарнинг «фаолияти»ни Бухоро туман суди қонуний баҳолаб, уни 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

**Эркин СУЛТОНОВ,**
**Бухоро тумани прокурори, 1-даражали ҳуқуқшунос**

*Прокурор минбари*

# ТАРОЗИ — ХУДО РОЗИ

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, сертификатланмаган, сақлаш муддати ўтиб кетган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигига зарар етказилишига йўл қўймаслик бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги қарори бажарилиши юзасидан Қарши шаҳар прокуратураси ходимлари бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Бу борада сўнгги пайтларда жойларда ўтказилаётган фуқаролар билан юзма-юз учрашув ва суҳбатлар айниқса яхши самара бермоқда. «Маҳаллот» маҳалласида бўлиб ўтган ана шундай учрашувлардан бирида шаҳар «Деҳқон савдо бозори»даги бошбошдоқликлар хусусида фуқаролар арз қилишган эди. Шаҳар прокуратураси вилоят метрология ва стандартлаш бошқармаси, давлат солиқ инспекцияси, шаҳар санитария эпидемиология станцияси, ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида зудлик билан текширув ташкил қилинди. Ушбу текширувда бозор ҳудудида айрим шахслар ишлаб чиқариш маркасини тасдиқловчи ҳужжатларсиз маҳсулот сотаётганлиги факти аниқланди ва улар маъмурий жавогарликка тортилдилар.

Шунингдек, «Деҳқон савдо бозори» ёнида жойлашган савдо дўконида умумий қиймати 299079 сўмлик спиртли ва яхна ичимликлар лицензия олмасдан, ҳужжатсиз, назорат касса машинаси ўрнатмаган ҳолда савдо қилинаётганлиги маълум бўлди. 17 дона 0,5 литр сиғимли «Орзу» ароғи эса стандарт кўригидан ўтказилганда истеъмолга мутлақо яроқсиз деб топилди. Савдо қоидаларига риоя қилинмаган ушбу дўкон мудирига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми билан билан жиноий иш қўзғатилди.

Косон тумани Нукуз қишлоғида яшовчи яна бир фуқаро эса донаси 400 сўмдан бўлган 0,5 литр сиғимли 200 дона «Олтин воҳа» ароғи, донаси 130 сўмлик 400 дона «Ўзбекистон» виноси ва умумий қиймати 132 минг сўм бўлган спиртли ичимликлар билан ҳеч қандай ҳужжатларсиз савдо қилаётгани аниқланиб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Бозорнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилаётган расталарида ишлатилаётган тарози тошлари ҳам текширилди. Афсуски, бу ерда ҳам ғирромлик, харидор ҳақига хиёнат қилиш дек иллатлар бор экан. 5 кг.лик ва 2 кг.лик тошлар тортилиб кўрилганда, уларнинг оғирлиги 1 кг. 200 гр ва 400 гр кам чиқди.

Шундай қилиб, давлат кўригидан ўтмаган тарози ва тарози тошларидан фойдаланиб, мўмайгина фойда кўриб юрганлар ҳам маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Республикамиз Президентининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш шу соҳада содир этилаётган камчилик ва нуқсонларни йўқ қилишга тўла асос беради. Бунинг учун солиқ ва ички ишлар идоралари, ҳокимият вакиллари ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ишлаб чиқишлари муҳимдир. Қарши шаҳар «Деҳқон савдо бозори»да ҳукумат қарорларининг ижроси тўлиқ таъминланмаганининг сабабларидан бири ҳам қоидабузарликларга қарши кескин кураш олиб борилмагани ва назоратнинг сусайтириб юборилганидир. Бугунги куннинг талаби эса «сен менга тегма, мен сенга» қабилида иш тутмоқ усулини рад этади.

**М.ЭРМАТОВ,**
**Қарши шаҳар прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси**

# КЎЗА КУНИДА... СИНАДИ

*Аср вабоси*

Ҳукм ўқилди. Омон зўрбазўр «18 йил» деган сўзни эшитди-ю, кўз олди қоронғулашиб, юзларини шашқатор ёш ювди. Бу унинг пушаймонлик кўз ёшлари эди. 18 йил... Омон хаёлан қора парда ортида 52 ёшли, кўриниши бир ҳол ўзининг аксини кўрди. Ўзини ёлғиз сезди.

Омон тенгдошларидан фарқ қилмай ўсди. Уйидагиларнинг ундан умиди катта эди. Мактабни битирдию, оилага қанот бўлиш ниятида ишга кирди. Уйли-жойли бўлди. Қишлоқ одамлари баъзан ўз фарзандларига Омонни ўрнак қилиб кўрсатишарди. Кунлар шу зайлда ўтди. Аммо Омон сиртдан сипо кўринса-да, ичда бирдан бойиб кетишнинг минг хил режасини тузарди. Бу йўлда у ҳар қандай қонунбузарликка ҳам тайёр эди. 1999 йилнинг августида тўсатдан Омон Тожикистон Республикасига - танишиникига меҳмон бўлиб борадиган бўлиб қолди. Аслида бу «саёҳат» аввалдан пишитиб юрган режаси бўйича бўлган эди. Қўшни республикалик Фарҳод исмли таниши билан ўзаро тил бириктириб, 1086 грамм героин, 250 грамм опий гиёҳвандлик моддасини пуллаб, бойимоқчи бўлдилар. Омон юкни хўжалик сумкасига жойлаб, таксида изига қайтди. Чеп-Ургут йўналиши бўйлаб келаётган машина милиция ходимлари томонидан тўхтатилганда, Омоннинг юрагига ғулғула тушди. Хавотири бежиз эмас эди. Қинғир ишнинг қийиғи... юк манзилга етиб бормасданоқ чиқди.

Гиёҳвандлик моддаларини тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш ва сотиш ҳоллари юртимизга ташриф буюраётган Тожикистон Республикаси фуқаролари томонидан тез-тез содир этилмоқда. 32 ёшли Тожикистон фуқароси Ясиддин Мухторов ҳам ана шундай ҳаром-харишдан сира тоймайдиганлар хилидан экан. У 1999 йил 17 октябр куни Ленинобод вилояти Панжикент тумани Навоий жамоа хўжалиги Яна қишлоғида яшовчи номаълум шахсдан героин моддасини сотиб олиб, республикамиз ҳудудига яширин йўллар билан олиб ўтиб, пулламоқчи бўлганида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Маълумки, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи ёшлар ҳар хил оқимларга қўшилишга мойил бўлишади. Бу ҳол бизни янада ҳушёр бўлишга, гиёҳвандликка қарши аёвсиз кураш олиб боришга даъват этади. Гиёҳвандлик билан боғлиқ ишларни кўришда муросасиз бўлишимиз, уни таг-томири билан қуритишга кенг жамоатчиликни жалб қилиб курашмоғимиз лозим.

**Ҳоним НАСИМОВА,**
**Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани суди раиси**

Тоғларга баҳор келди...



